*Тадбиркорга омад ёр*

## ГЎЗАЛЛАР ЯРАТАЁТГАН ГЎЗАЛЛИК

***«Қалб гўзаллиги ва бокиралиги; меҳнаткашлик ва иймон саломатлиги; ташқи гўзаллик ва ёқимтойлик — аёл гўзаллигининг асосий белгиларидандир», дейилади «Аёллар ҳикмати» китобида. «Чин мусулмалар учун 70 ҳунар оз», дейди донолар ҳам.***

Дарҳақиқат «Бокира, покиза, суюмли, ардоқли, бахтли ва саодатли бўлишни орзу этган ҳар бир хотин-қиз бичиш-тикиш, тўқишни билиши зарур. Унинг қолган билиши керак бўлган ҳунари уй тутиш ва ҳовли ишлари юмушларидир», — деган иборани онамдан кўп эшитардим. Шундай хислатга эга аёллargина ҳар томонлама гўзал аёл деб аталар экан.

Яқинда пойтахтимиздаги «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятида бўлдим. Ҳамроҳим мени попоп цехига бошлади. У ерга киришим ҳамоноқ онам айтмиш ҳар томонлама гўзал, тадбиркор-у оқила аёллар даврасида ҳис этдим ўзимни. Гўё Ўзбекистоннинг миллий ифтиҳорини кўз-кўз қилгувчи чаманзор ичига кириб қолгандек бўлдим.

Ажабо, аёлларнинг ўзи гўзаллик, дейишади. Гўзалларнинг гўзаллик яратиши эса мўъжизадан бошқа нарса эмас. Ўз дастгоҳлари олдида ўтирган, чеҳраларидан нур ёғилиб турган қиз-жувонларнинг қай бири жойнамоз, қай бири палак, қай бирлари эсдалик паннолари, гулкўрпа-ю шоҳи сўзана... тикиш билан машғуллар. Эътибор билан қарасангиз, улар ҳар бир ишни тадбир ўлчови билан қандайдир андиша, заковат нури билан бажараётганликларининг шоҳиди бўласиз.

Қадимдан келинликнинг зийнати саналган дорпеч, кирпеч, сўзана, палак ва гулкўрпа кабиларга боқсангиз, улар халқимизнинг олис ўтмишидан хабар бераётгандек, овозсиз, бироқ маънодор сўзлаётгандек...

Олма қури, пахта гули, мойчечак, марварид, нок гули каби одоби, яъни услуби янги бўлган нусхаларга боқсангиз улар истиқлол мусиқасини қалбингизга олиб кираётгандек, мустақиллик қўшиғини қўшиб куйлаётгандек эди.

Пойтахтимиздаги «Шарқ гули» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1993 йил охирида ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, иш унуми кескин ўзгарди. Халқ истеъмоли моллари қаторига миллий амалий ноёб санъат буюмларидан шоҳи сўзана, зардевор, дорпеч, кирпеч, чойшаб, палак, гулкўрпа, ёстиқ ғилофи, совға паннолари, келин ва куёвлар учун тўй либослари, зарбоф тўн, пешмат сингарилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Саида Ғаниева раислик қилиб келаётган мазкур ҳиссадорлик жамияти 1124 нафар ишчи-хизматчини ўз сафига бирлаштирган. Улар мавжуд тикув, дўпи, попоп, тайёрлов, бичув, ноёб попоп, йигирув, бўёқ цехлари ва тажриба участкаларида фаолият юритадилар. Биргина попоп ва ноёб попоп цехларининг ўзида 300 дан зиёд чеҳраси ҳур, қўли гул чеварлар меҳнат қилишади.

Ҳар бир соҳадаги ижобий натижага фақат ва фақат изланиш, бой тажриба, ўз касби устида сабр-қаноат ила қилинган меҳнат эвазига эришиш мумкин. Зеро ноёб попоп цехи чеварлари билан бўлган суҳбатимиз фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, «гулкўрпа», ижодкори Сапура Сайдалиева, «Тошкент манзараси» ижодкори Маъсуда Исмоилова, «Шоҳи сўзана» мажмуи ижодкори Марҳамат Пўлатова, Раъно Кўқонова, Ҳалима Шоакбарова, Матлуба Исаева, Машкура Қосимова, Светлана Плотникова, Ёқутхон Нурматова каби гўзаллик яратувчиларнинг аввали — 40, охири — 23 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ҳунар соҳибаларидир.

Шунингдек, Маъмура Самиғова етакчилик қилаётган дўппи цехида 100 га яқин хотин-қиз фаолият кўрсатишади. У ерда аёл ва эркаклар дўпписининг 10 дан зиёд тури ишлаб чиқарилади. Қўл меҳнати билан тайёрланувчи чуст дўпписи, бодомгули номли Марғилон дўпписи, духобага тикиладиган чор гули, ироқи дўппининг 3-4 хил нусхаси, гилам дўппи кабилар ўзининг чиройлилиги, сеҳрловчи жилолари, ўзига хос жозибаси билан ҳар қандай инсонни ўзига ром эта олади.

— Бизнинг миллий буюмларимизни, — дейди жамиятнинг умумий ва ташкилий ишлар бўйича кенгаш раиси ўринбосари Шоира Аҳмадалиева, — нафақат республикамиз халқлари, балки хориждан келган меҳмонлар ҳам ниҳоятда қадрлашади, севиб харид қилишади.

Корхонанинг биқингинасида «Шарқ гули» маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон бор. Республикамизга келаётган меҳмонлар борки, дўконга кирмай ўтмайдилар. У ерда ҳар бир харидорни ўзига маҳлиё этувчи ўзбеклар юртидан ажиб ҳикоя сўзлаб бергувчи миллий кийим ва анжомларнинг барчаси мавжуд.

Кўл-кўзингиз дард кўрмасин, гўзаллик ижодкори — тадбиркор гўзал аёллар!

Насиба ҲОЖИМУРОД қизи.



*Ҳозирги талаблар асосида иш юритаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида кўплаб босма ишлари компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Махсус компьютер цехида эса малакали операторлар ишлашади. Ана шундай ўз касбининг усталаридан Шарофат Менгнорова ва Гулчеҳра Ҳикматовалар бу соҳада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.*

*СУРАТДА: Шарофат Менгнорова ва Гулчеҳра Ҳикматовалар ўзларига биркитилган компьютерлари ёнида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Зобитлик — шарафли касб*

## ЖАМОА ЭЪЗОЗИНИ ҚОЗОНИБ

Ёш, мустақил давлатимизнинг Қуролли Кучлари тобора камол топмоқда. У мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга мўлжалланган. Бироқ қўшни давлатлар ўртасида беқарорлик, турли қуролли низолар бўлаётган экан, мудофаа салоҳиятимизни мустаҳкамлашга тўғри келади. Замонавий қурол-яроғларни такомиллаштириш, улардан моҳирона фойдаланишни мукаммал эгаллаш талаб этилади.

Бунинг учун артиллерия қисм ва бўлинмаларида ҳам мавсумий ўқув машғулотлари ўтказилади. Уларда зобитлар ва аскарлар ўз маҳоратларини дала шароитида бўладиган жанговар ўқув машғулотларида намойиш этмоқдалар.

Артиллериячилар ўртасида нишонга бехато уриш бўйича танловлар ўтказилади. Зобитлардан Ш.Назаров хизмат қилаётган қисмда зобитлар ўртасидаги беллашувда ғолиб чиққанлар орасида артиллерия дивизиони командири капитан Аброр Ортиқов ҳам бор.

— Назарий билимлардан амалиётда фойдалана олмаяпсизлар, янада синчковлик ва зукколик билан ҳаракат қилинглар, — деди тўп расчёти аъзоларини кузатиб турган ёш лейтенант.

Тўп яна ўқланди. Маълум вақт ўтгач, нишонга олувчи: «Отишга тайёр!» — деди. Расчёт командири: «Ўт очилсин!» — дея буйруқ берди. Тўпнинг гумбурлаган овози қулоқларни қоматга келтирди. Афсуски, «нишон» ҳолати ўзгармади. Тўпчиларнинг бу галги ҳаракати ҳам зое кетди.

Лейтенант ўт очишни тўхтатишга буйруқ берди. Сўнгра расчёт жангчиларини ўз ҳузурида тўплади. Уларнинг отиш жараёнида йўл қўяётган барча камчиликларини айтди. Бехато отиш учун нималарга асосий эътиборни қаратиш кераклигини атрофлича тушунтириб берди.

— Нишонга олувчининг озгина эътиборсизлиги ҳам муваффақиятсизликка сабаб бўлади, — деди у. — Шунинг учун нишонга олиш асбобидаги ҳар бир шкала-чизиқ оралиғидаги қатъий математик ҳисоб-китоблар бўйича пухта ҳисоблаб чиқиш зарур. Бўлмаса мақсадга эришиб бўлмайди.

Тўпдан узилган кейинги ўқлар нишонларни кетма-кет қулата бошлади. Бу ёш зобит маслаҳатларининг самараси эди. Шунингдек, расчёт аъзолари ўз вазифаларига масъулият билан ёндоша бошлаганлигидан далолат берарди.

Зобитлик хизматини взвод командири лавозимидан бошлаган Аброр Ортиқов кейинчалик артиллерия батареясини бошқарди. Бироз муддат штаб бошлиғи ҳам бўлди. Ҳозирги кунда у артиллерия дивизионининг моҳир командири. У бошлиқ жамоа мавсумий тайёргарликлар якуний синовларида мунтазам юксак натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлмоқда. Тўпчилар командирининг номи хизматдошлари орасида фахр ва ифтихор билан тилга олинмоқда:

— Капитан Ортиқов сингари ишнинг кўзини биладиган фидойи зобитларни ҳақли равишда жамоамиз фахри десак арзийди, — дейди қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари майор Бердиёр Эргашев. — У командирлик қилаётган дивизионда тартиб-интизом мустаҳкам. Ҳарбий Низом талабларига барча оғишмай амал қилади. Шахсий таркиб учун бу ерда тегишли шароит яратилган. Албатта ҳарбий жамоа ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган ютуқларда Аброр Ортиқовнинг ҳиссаси катта.

— Жисмоний тайёргарлик машғулотларида ҳам, спорт мусобақаларида, маданий дам олиш тадбирларида ҳам командиримиз доим биз билан бирга, — дейди тажрибали тўпчи-жангчи Мавлон Мардонов. — Командиримиз бизга қилаётган ғамхўрлигига жавобан барчамиз ҳарбий билим ва жанговар техникани пухта эгаллаш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

«Меҳнат қилган—элда азиз», деб бежиз айтилмаган. Капитан Аброр Ортиқовнинг меҳнатлари юқори баҳоланмоқда. Унинг кўксини безаб турган нишонлар, номи жамоада эъзозланаётгани ана шундан далолат беради.

«Ҳар қандай нишонни бир ўқда қулатамиз!» — Капитан Аброр Ортиқов бошчилик қилаётган жамоа аъзоларининг бугунги кундаги шиори ана шундай.

Юртим деб, элим деб яшаётган она-Ватан, халқимизнинг ишончли посбонларига келгуси ишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ.

*Йўловчи ва транспорт*

## МАҚСАД — МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛИШ

***Шаҳримиздаги 4-автокорхона жамоаси йўловчиларга самарали хизмат кўрсатиш бўйича бир неча йилдирки илғорлар сафидан ўрин эгаллаб келмоқда. Бундай қувончли натижаларни қўлга киритишда корхона барча аъзоларининг муносиб улуши бор. Жамоага бошчилик қилиб келаётган Наримон Тошхўжаев эса 1970 йилдан бери шу ерда меҳнат қилиб келади. Шу йиллар давомида у оддий ҳайдовчиликдан директорлик даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Яқинда жамоатчи мухбиримиз шу корхонада бўлиб, Наримон Тошхўжаев билан суҳбатлашди.***

— Турли миллат вакилларидан таркиб топган 608 кишилик жамоамиз аъзолари Жанубий темир йўл вокзали яқинида жойлашган автокорхонамизда бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишяпти. Мақсадимиз аҳоли манзилини яқин қилиш.

Корхонамиз ўзининг мазмунли тарихига эга. 1962 йилда бу ерлар ўнқир-чўнқир тепаликлардан иборат бўлиб, Тошкент вилоятига қарашли жамоа хўжалигининг машина-трактор базаси жойлашган эди. Жамоа хўжалигидан 3,8 гектар ер ажратиб олиниб, қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилди, ҳашар ва шанбаликлар уюштирилди. Автокорхона фойдаланишга топширилгач, унинг истиқболи кундан кунга ўсди, ишлаб чиқариш базаси мислсиз кенгайди.

Ҳозирда 77 та ЛАЗ-677, 68 та ЛАЗ-695, 26 та «Мерседес-Бенц», 1 та ПАЗ-205 русумли машинага эгамиз. Улар ҳар тонг 3, 25, 38, 80, 181, 8, 57, 45 каби йўналишларга бўлиниб, 40-50 минг йўловчи манзилини яқин қилмоқда ёки 20 минг чақирим йўл босиб, автокорхона ғазнасига 240-250 минг сўм кира ҳақи топширилябти.

Машъал ҳайдовчиларимиз бизнинг фахримиз. Эркин қишлоғи — Олой бозори орасида қатновчи Пўлат Қосимов етакчилигидаги 57-автобус йўналиши кўп афзалликларга эга. Сардорнинг ўзи 15 йилдан зиёд умрини машина чамбарагини хатарсиз айлантириб ўтказди. Ўз касбининг фидокорлари Зоит Азизов, Ҳусниддин Фахриддинов, Нурилла Эргашевларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдаги тажрибаларидан ёш ҳайдовчилар баҳраманд.

Назарбек қишлоғи — Тўқимачилик комбинати оралиғидаги йўловчиларга хизмат кўрсатиб келаётган 182-йўналиш ҳайдовчилари хизматидан эл хурсанд. Умар Тўрахўжаев шу йўналишда касб маҳоратини намойиш қилиб обрў топди. У меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими.

Корхонамизда кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқди. Тасарруф бўлими бошлиғи Собит Собиров оддий чилангар, механик навбатчиси, уста лавозимларида пешона тер тўкди, жамоа ишончини ўзининг тадбиркорлиги билан оқлади. Бош муҳандис Фурқат Мамасаидов эса чилангар уста, катта уста, бош муҳандис ўринбосари вазифаларини оқилона уддалади. Колонна бошлиқлари Тоҳир Исматов, Иброҳим Миртолиповларнинг жамоа орасида «эгизак» деб юритилишида маъно бор. Бу ёш мутахассислар мактабда ва институтда бирга таҳсил олиб, корхонамиз ишлаб чиқариш кўрсаткичларини юқори даражага кўтариш йўлида фидокор бўлмоқдалар. Шунингдек карбюратор созловчиси Николай Елчанин, мискар Илҳом Азизов, шиналар таъмирловчиси Жалил Аҳмедов, устахона бошлиғи Рустам Нишонбоев, ҳаракат хавфсизлиги бўлими бошлиғи Асқаржон Абдуқодировлар меҳр қўйган касбларининг етакчи мутахассисларидир.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида биринчи навбатда ички имкониятлардан усталик билан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этди. ЛАЗ-677 русумли машиналарнинг эҳтиёт қисмлари Львов шаҳридан келтирилар эди. Машинанинг бу эҳтиёт қисмлари нархи «чақиб» оладиган даражада кўтарилиб кетди. Бунинг устига транспорт йўли харажатларини айтмайсизми? Дўппини ерга қўйиб изланишда давом этавердик. Қувончли натижага ҳам эришдик. Ихтирочи Владимир Достичев бошчилигида коробка узатма қисмларини шу ерда қайта таъмирлашга муваффақ бўлдик. Бу ижодий самара корхонамизга бир йилда 80 минг сўм даромад келтирди. Мотор, кузов ва эшикка қўйиладиган қисмларни таъмирлаш, тирсакли валларни чархлаш изланувчи «қўли гул» усталаримизнинг янги техника сирларини ошкор этишдаги тажрибаларининг меваси ва ҳосилидир.

Тўғрисини айтсам, машиналарни тунги сменада таъмирлов ишларини ёқтирмайман. Бу юмуш кундузи пишиқ ва пухта бўлади. Кечаси фақат техник кўрикдан ўтказишни маъқуллайман. Яна бир жиддий муаммо — сотилаётган ойлик карточкаларининг пулини илгарироқ бериш ташаббусини ёқлайман. Биздан ҳам ёнилғи харажатларини муддатидан илгари тўлашни талаб қилишяпти. Баъзида ёнилғининг кечикиб келишининг боиси ҳам шунда. Устига устак ойлик карточкаларидан олинадиган даромадлар автокорхоналарга бир хилда тақсимланмайди. Ҳаракат тизимидаги машиналаримиз кўп сиғимли бўлгани учун ҳам ортиқча йўловчи ташилади.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши учун аввало ҳамжиҳатлик керак. «Иш билганга — минг танга» деган мақол бекорга айтилмаган. Жамоамиз сафида ишбилармонларнинг ишини кўриб қувонамиз. Ҳозирда ҳар бир машинанинг 1 соатлик иш ҳажми 258 сўм. Бу — қониқарли кўрсаткич.

Аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда 38, 57-йўналишларнинг хизмати катта. Машиналарни техник жиҳатдан мустаҳкам олиб бориш, меҳнат интизомига риоя қилмовчилар билан кескин кураш, озода кийиниш, салон ва ўриндиқларни йўловчилар дидига ёқадиган даражада сақлаш ҳар бир руль бошқарувчининг кундалик иш дастуридан ўрин олди.

Автокорхонамизда машиналарни ёнилғи билан таъминлайдиган шохобча ишга тушиш арафасида. Мақсадга эришсак, бир ойда 100 минг сўм соф даромад оламиз. Бунинг учун барча чора ва тадбирлар ишлаб чиқилди.

Умар Тўрахўжаев, Тоҳир Каримовлар автобусда бир миллион чақирим йўлни хатарсиз босиб ўтган чапдаст ҳайдовчилар. Валентин Нагарянский, Виктор Ивангородскийлар ҳам юқори кўрсаткичга эришдилар. Бошқача қилиб айтганда дунё айланасини 26 марта автобус ҳайдаб кезиб чиқишди, яъни фахрли «миллионер» номини улуғлашди.

Касаба уюшмаси қўмитаси ишчи ва техник ходимларининг соғлиғини тиклашда, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатишда ўз мурувватини аямаётир. Шифохоналар билан шартнома тузиб, беморларнинг сиҳат-саломатлиги тикланаяпти, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар беріляпти, корхонамиз саунасидан бўш вақтларида фойдаланмоқдалар.

Ходимлар — олтин хазина. Автокорхонамизда меҳнат фаолиятини бошлаган бир гуруҳ собиқ жамоа аъзоларимиз ҳозирги кунда Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш Давлат уюшмасининг тизимида турли лавозимларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида ижодий изланмоқдалар. Ишбилармон Каримулла Ғуломов, Шомурод Муҳаммаджонов, Юрий Костров, Исмоил Саъдуллаев, Мирёқуб Тўлаганов, Геннадий Крицинларни ким танимайди дейсиз...

Усмон МУҲАМЕДОВ.

*Мулоҳаза ўрнида*

## ДАРОМАДНИ ҚАНДАЙ САРФЛАШ КЕРАК?

***Истиқлолга эришган Республикамиз ҳаётида муҳим сиёсий-иқтисодий, маънавий ўзгаришлар бўляпти. Меҳнатсевар халқимиз ватанимизнинг равнақи йўлида тинч яратувчилик фаолияти билан банд. Диёримизда қадам-бақадам бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ҳолат юзага келмоқда. Ана шундай бир шароитда оила сармояси ва хўжалиги, уни режалаштириш, ота-она, болалар ўртасида ишларнинг тақсимланиши ва оиланинг иқтисодий ўқуви хусусида фикр юритиш, оиланинг даромади ва харажати, оила хўжалигини бошқариш каби тушунчаларни бугунги кунда ҳамма тушуна билиши зарур.***

Хўш, ҳар куни неча марталаб тилга олинаётган иқтисод сўзи аслида қандай маънони билдиради? Иқтисод сўзи юнон тилидаги «экономика» сўзидан келиб чиқиб уй хўжалигини бошқариш санъати, деган маънони билдиради. Бу тушунча ғоят кенг маънони англатгани учун, ушбу мақолада масаланинг фақат педагогик томонларини, яъни ўспирин болалар онгига қандай етказиш ҳақида сўз юритамиз.

Ота-она ёки муаллим болаларга пул ва молни керакли ва зарур бўлган нарсаларга сарф этгандан кейин қолган ва ортган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозимлиги ва шундай қилинса, иқтисод қила-қила сўмлар йиғилиб катта сармоя ҳосил бўлишини тушунтириши лозим. Оилавий даромадларда ҳам бир неча манбани кўрсатиш керак. Масалан, ишда ёки хизматда ишлагани учун иш ҳақи, акция эгаси бўлгани учун дивиденд олади. Ер эгасига мулкдор сифатида рента пули тегади, уни банкка қўйиб фойдафоиз ҳам олади. Иқтисодиётимиз бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан оилавий даромадни фақат иш ҳақи ва нафақалардан иборат деб нафақат болалар, ҳаттоки катталар ҳам ҳамон шундай ўйлашмоқда. Аслида иқтисодимиз алифбосини мактабданоқ болалар шуурига сингдириш, оилавий иқтисодни бошқаришни ўргатсаккина «ҳақиқий бозор шароити»га мос ёшларни тарбиялаган бўлар эдик.

Иқтисод, тежашни одат қилган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ейиш, ичиш, кийиш керак, аммо «Кўрпангга қараб оёқ узат» дейилган сўзга амал қилинса, бошқалар қўлида бўлган нарсаларга таъма қилинмайди, кўнгил ҳам шод бўлади. Қўлида бўлган пул-молга қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди. Бу биринчидан. Иккинчидан, ҳозирги кунда катта ёки ўртача маблағга эга бўлган оилаларда ўз маблағини қандай бошқариш керак, деган масала пайдо бўлади. Мен бир муаллим сифатида юқори синф ўқувчилари ўртасида: «Агар сенда катта маблағ бўлса сен уни нима қилар эдинг?» деган савол билан сўров ўтказдим. Қувончлиси шуки, аксарият ўқувчи-ёшларда янгича иқтисодий тафаккур ҳосил бўлган. Сўралган болаларнинг ярмиси маълум тадбиркорликка мойиллиги, бир қисми олди-сотдига сарфлашини айтишди. Бироқ акциялар сотиб олиш, катта-катта лойиҳаларга шерик бўлиш, дивиденд ҳақида деярли айтилмади. Аслида иқтисодий тарбиядаги энг катта камчилик ҳам ана шунда.

Биз бозор иқтисодига кечаги тарбиядаги одамлар билан кириб келдик. Шунинг учун ҳам ислоҳотлар бирмунча қийинчилик билан амалга ошмоқда. Яъни, одамларда иқтисодий онг ҳали тўлиқ шаклланмади. Бироқ эртанги кунимиз бўлган ёшларда иқтисодий тарбия куртаклари мавжудлиги эртанги тақдиримиздир. Пулнинг катта ҳажмда аҳоли қўлида тўпланиб қолиши, тадбиркорликнинг суст ривожланишига бундан буён йўл қўйиб бўлмайди.

Иқтисодий тарбияда оила ва мактаб ҳамкорлиги ўта муҳимдир. Мактабда иқтисоднинг назарий қисми, алифбоси берилса, бола уйида шу жараёнларни амалда ўз кўзи билан кўриши керак. Бизнинг ўзбек оилаларида ҳам акция, дивиденд, фойда каби тушунчалар оммалашиши керак.

Ёш оилалар фақат бир-бирларини тушунмаслик туфайлигина эмас, балки иқтисодий шароитни йўлга қўя олмасдан ҳам ажраладиган ҳоллар учрайди. Шундай оилалар борки қийинчилик билан топилган пулни осонгина совурадилар, улар оиланинг иқтисодий масаласи билан юзаки шуғулланадилар ёки бу ҳақда мутлақо ўйлаб кўрмайдилар. Аммо бу борада ўйлаб кўрадиган кўп муаммолар бор. Энди бир мулоҳаза юритайлик. Ўн биринчи синфни битириб катта ҳаётга қадам ташлаётган болалар бозор иқтисоди шароитига мослаша оладими, ёш оилани бошқара оладими, деган савол туғилди. Ахир бозор иқтисоди шароитлари шунчаки яшашни эмас, балки унинг қонуниятларини билиш ва унга амал қилишни ҳам тақозо этади.

Оила аъзолари ойига қанча даромад олишлари тахминан аниқ, лекин шу пулни қайси мақсадларга, қандай сарфланаётганлари ҳақида аниқ ҳисоб-китоб йўқ. Оила сармояси — оила аъзоларининг турли турдаги даромадлари ҳисобидан тўпланган даромад ва харажатлар йиғиндисидир. Оила бошлиғи 10 ёшдан катта болалари иштирокида оила кенгашида тушум ва харажатларини муҳокама қилса яхши бўлар эди. Оилада болаларни ёшлигиданоқ оиланинг иқтисодий масалаларини ҳал қилишга жалб этиш, биринчидан, боланинг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан пул сарфлаш маданиятига, ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари эркин, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган маслаҳатлашув асосида бўлса пул-маблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди. Дарҳақиқат, доимий равишда пул етмай қолиши кўпгина оилаларда уруш-жанжалга сабаб бўлади. Улар пулни расамади билан харажат қилишни билмайдилар. Умуман бир киши учун оилада неча сўм сарфланаётганлигини бола билса зиён қилмайди. Лекин бу билан мактаб ёшидаги болани бозорга чиқариш мақсадга мувофиқ эмас. Бу боланинг руҳан ва жисмонан ўсишига зиён қилиши мумкин. Қолаверса мактаб ёшидаги болага таълим-тарбия бериш, имкони борича ҳунар ўргатиш бола келажагини таъминлайди. Ота-онасига кўмаклашиш, уларнинг бозор ишларида тадбиркорлигига боқишиш бошқа гап. Болани ҳар томонлама етук, иқтисодий саводли, тадбиркор бўлиб вояга етказиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

Бахтиёр КАРИМОВ,
олий тоифали муаллим,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.



*«Азиза Сайфи қизи» хусусий ательесида кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган маҳоратли тикувчилар кўп. Лекин уларнинг ҳар бирининг ўрни бор. Ана шундай маҳоратли тикувчилардан бири Тожихон Исломова мана 30 йилдан буён эркаклар учун шим тикади. Бу касбнинг ҳам ўзига хос гашти борлиги учун Тожихон опа кўплаб ёшларга шу касбни ўргатишдан ҳам чарчамайди.*

*СУРАТДА: Тожихон Исломова иш устида.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Иш билан бандлик*

## ЎЗГАЧА БЎЛДИ

***Куни кеча Яккасарой тумани бандлик хизмати ходимлари ҳам навбатдаги «Бўш ишчи ўринлари, ўқиш жойлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасини ўтказдилар.***

Ярмарка бу сафар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда жами 87 та саноат, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар иштирок этиб, ярмаркага ташриф буюрган ишсизлар учун бўш иш ўринларини таклиф этдилар.

— Бу сафарги меҳнат бозорига туманимиздаги 89-ўрта мактабнинг халқ амалий санъати тўгараги аъзолари ўзларининг моҳир қўлларида яратилган мўъжаз ўйинчоқлари, буюмлари билан ҳам қатнашаяпти, — дейди Яккасарой тумани бандлик хизмати раҳбари Маъмура Азизова. — Бугун туман мактабларидан ташриф буюрган 1100 нафар ўқувчи ўзларига маъқул касб танлаган бўлсалар ажабмас. Шу жумладан 54 киши ўқув марказига йўлланма олди, 87 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Муҳими шундаки, кундан-кунга талаб ва таклифлар ўсиб бориб, асосан малакали мутахассисларга эътибор кучайгандан-кучайди. Менимча, бугунги кунда ҳар бир фуқаро ўз касбининг сир-асрорини билиши, қолаверса, соҳасини мукаммаллаштириб бораверishi керак.

Зоир ТУРСУНОВ.

*Текширишда аниқланди*

## ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

***Сув — обиҳаёт деймиз. Инсон ҳавосиз бир дақиқа ҳам яшай олмайди деймиз. Бу — ҳақиқат. Демак ҳаётимиз манбаи бўлган сув ва ҳавони тоза сақлаш бизнинг инсоний бурчимиз, виждон ишимиздир. Лекин бу олижаноб юмушга панжа орасидан қараётган айрим корхоналар, уларнинг раҳбарлари, бошқа лавозимдагиларнинг хатти-ҳаракатлари кишида нохуш бир кайфият уйғотиши табиий.***

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда текширилганда «Тоштўқимачи» акционерлик жамияти, «1-Тошкенттажрибамеханика заводи» акционерлик жамияти, «Ўзиталмоторхолдинг» қўшма корхонаси, «Тошкент машинасозлик» акционерлик жамияти, 3-йирик панелли уйсозлик заводи, 4-автобус саройи, «Саноатэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бетон» кичик корхонаси, «Ўзсувмелиорацияқурилиш»нинг 1-автоколоннаси, «Комил ота» фирмаси, «Самитол» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида лоқайдликнинг таърифсиз намуналарига дуч келинди. Айнан шунинг учун ҳам «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти бўлими бошлиғи Т. Авазов, кимё омбори мудири С. Одинцова; иккинчи автомобиль таъмир заводи участка бошлиғи А. Тошхўжаев; «Комил ота» фирмаси директори К. Комилов; «Бетон» кичик корхонаси бош муҳандиси А. Халиулов; «Ўзиталмоторхолдинг» қўшма корхонаси директор ўринбосари Д. Эсатов; 4-автосарой хўжалик бўлими бошлиғи С. Номозов, бош муҳандис Ф. Мамажонов; «Маклис» корхонаси цех бошлиғи В. Филимонцев; «Самитол» илмий ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси О. Маҳмудов; 1-автокомбинат колонна бошлиғи Б. Пўлатов; колонна бошлиғи И. Нафиқовлар умумий 6 минг 150 сўм миқдорида жарима тўлашга тортилдилар. 4-автосаройнинг насос билан ишлайдиган артезиан қудуғи махсус рухсатномаси йўқлиги учун ёпиб қўйилди.

Худди шундай ҳавони ифлослантириш борасида ҳам «Самитол» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Абразив заводи, «Асбобсоз» очиқ турдаги акционерлик жамияти, «1-Тошкент тажриба-механика заводи» акционерлик жамияти бошқаларга «намуна» бўлаётганини қайд этиш керак. Оқибатда «Маклис» корхонаси бош директори А. Мақсудов, «1-Тошкент тажрибамеханика заводи» акционерлик жамияти директори вазифасини бошқарувчи В. Плотников, бош муҳандис В. Мумладзе 2000 сўм жарима тўлашди.

Табиатни муҳофаза қилиш бобида ҳар битта бесабаб узилган япроқ ҳам жиноятдир. Жиноят эса қайси кўринишда бўлмасин жазоланиши муқаррардир.

*ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ГУРУҲИ.*

